

Миржалол ҚОСИМОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси таянч докторанти

ШАМСУ-Л-АИММА САРАХСИЙНИНГ “МАБСУТ” АСАРИДА САЛАМ САВДОСИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Маълумки, юртимиз алломалари фикҳ илмида қилган ижодлари беқиёс ҳисобланади. Айниқса, Мовароуннаҳр диёридан етишиб чиққан фақиҳлар сабабли ханафий мазҳабида Бухоро фикҳ мактаби шаклланди. Мазкур мактабнинг буюк намоёндаларидан бири Шамсу-л-аймма Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Саҳл Сарахсий бўлиб, милодий 11 асрда яшаб ижод қилганлигига қарамай, ҳозир ҳам унинг асарлари фикҳнинг муомалот қисми юзасидан кенг ўрганилиб келинмоқда.

Шамсу-л-аймма Сарахсийнинг шоҳ асари дея эътироф этиладиган “Мабсут” китоби 30 жилддан иборат бўлиб, унда фикҳий масалаларнинг деярли барча соҳалари қамраб олинган. Асарни муаллиф маълум сабаблар туфайли зиндонбанд қилинган йиллари ўз хотирасидан айтиб шогирдларига ёздирган. Ушбу мақолада Мабсут асарининг 12 жилдида зикр этилган салам савдосига оид баъзи ҳукмларни куллий қоидалар асосида кўриб чиқамиз.

Салам луғатда “таслим қилиш”, “бериш” деган маъноларни англатади.

Шариатда эса, зиммадаги васф қилинган молнинг қийматини олдиндан беришга айтилади.

Бундоқ васфни салаф ҳам дейилади, бу қиймати олдиндан берилган, деган маънони англатади.

Бу савдо ҳожат тушганда рибонинг аралашмаслиги шарт ила жоиз. Яъни, олди-сотди қилинаётган нарса бир хил бўлмаслиги керак.

“Салам”да олувчи сотувчига: “Мен сенга бу динорни фалон нарсани менга сотишинг учун, фалон вақтда ва фалон жойда беришинг учун топширдим”, дейди¹.

Мабсут асарида зикр этилишича, салам нақдни пулнинг баробарига насия товарни савдо қилишга айтилади. Бу ҳам бир товарни

¹ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт: молиявий муаммолар китоби. Тошкент. Ҳилол нашр матбаа бирлашмаси. 153-154 бетлар.

бошқасига айрибошлашга оид савдо тури ҳисобланади. Бироқ, қиёс бундай байъ турини инкор этади. Чунки, бу йўқ нарсага савдо бойлаш ҳисобланниб, ўзи мавжуд бўлсада сотувчининг тасарруфида бўлмаган нарсани байъ қилиш ботил ҳисобланади. Лекин, Қиёс манбаси Китоб ва Суннатдаги далиллар ила тарк этилади. Жумладан, Куръони каримнинг қуйидаги ояти салам савдосига далил сифатида зикр этилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا تَدَايَيْتُمْ بِدِينٍ إِلَى أَجَلٍ مُّسَمًّى فَاكْتُبُوهُ

Эй иймон келтирганлар! Маълум муддатга қарз олди-берди қилган вақтингизда, уни ёзиб қўйинг². (Бақара сураси 282-оят)

Ушбу ояти кариманинг тафсири ҳақида бир ривоятда шундай дейилган: Абдуллоҳ ибн Аббос “Насия салам Аллоҳнинг китобида энг узун оят сифатида нозил қилинганлигига гувоҳлик бераман деди ва ушбу оятни тилловат қилди”³.

Шунингдек, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан бу борада қуйидаги ҳадиси шариф ривоят қилинган:

نَحْيُ عَنْ بَيْعِ مَا لَيْسَ عِنْدَ الْإِنْسَانِ وَرَخَصَ فِي السَّلَمِ

(Пағамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам) **инсон ўзида бўлмаган нарсани сотишдан қайтарганлар ва салам савдосига рухсат берганлар.**

Имом Абу Ҳанифанинг ижтиҳодига кўра салам савдосини амалга ошириш учун егита шарт лозим бўлади:

салам қилинадиган товарда жинсни аниқ таъйин қилиш;

² Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 1 жуз. Тошкент. Ҳилол нашр матбаа бирлашмаси, 2008. 293-бет.

³ Шамсу-л-аймма Сарахсий. Мабсут. Байрут. Дару-л-Китаби-л-Илмия. 2017. 12-жилд. 146-бет

нарсанинг турини таъйин қилиш;
микдорини таъйин қилиш;
сифатини таъйин қилиш;
товарни топшириш пайтини таъйин қилиш;
товарни бериш жойини (товарни етказиб бериш ва таъминлаш жойини) таъйин қилиш;
келишувга тегишли бўлган сармоя микдорини таъйин қилиш.

Ўз навбатида ушбу шартлар қуйидаги ҳадиси шариф орқали келиб чиққанлиги таъкидланади:

عن ابن عباس رضي الله تعالى عنه أن النبي صلى الله عليه وسلم دخل المدينة فوجدهم يسلفون في الثمار السنة والسنتين فقال صلوات الله تعالى عليه «من أسلم فليسلم في كيل معلوم، ووزن معلوم إلى أجل معلوم»

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага кирган пайтда шаҳар аҳлининг меваларни бир ва икки йилга салаф қилганлигини кўрдилар ва айтдилар: **“Ким салам савдосини қилса аниқ ўлчов ва маълум вазн асосида маълум вақтга қадар қилсин”**”⁴.

Демак ушбу ҳадиси шарифдан маълум бўладики, салам савдосини қилишда аниқлик муҳим ҳисобланади. Бу аниқлик юқорида Абу Ҳанифа (роҳимаҳуллоҳ)дан ривоят қилинганидек, ўлчам, вақт, микдор каби нарсаларда бўлиши лозим бўлади.

Шунингдек, “Мабсут” асарида зикр этилшига кўра, мавсумда, шиннини ўлчам, тортиб салам савдосини амалга ошириш жоиздир. Сабаби шинни ҳам сут каби ё тортилади, ё ўлчланади. Суюқликларни ўлчаган ёки тортган ҳолда оғирлиги маълум бўлсагина салам жоиз бўлади. Микдор эса ҳажм ва вазнда аниқ бўлади. Бу масалада

⁴ Ушбу ҳадиси шарифни Имом Термизий “Сунани Термизий”нинг “Китабул буюъ аън Росулиллаҳи соллаллоҳу алайҳи васаллам” қисмида ва Имом Ибн Можа “Сунан ибн Можа”нинг “Китабут тижарот” қисмида шу лафзлар ила ривоят қилганлар.

қоида қуйидагичадир: Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида миқдори ўлчов билан белгиланган ҳар қандай нарсаси, торозида тортишни одат қилинган бўлса ҳам, охиригача миқдори ўлчалган ҳисобланади, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида тарозига қўйилиб сотилганлар эса, ҳар доим вазни (тортилган) ҳисобланади. Қай тарзда сотилиши белгиланмаган ҳолатларда эса, маҳаллий одатларда қандай бўлса, шундай сотилади.

Абу Юсуфдан бир ривоятга кўра ҳар қандай одат аҳамиятлидир. Ҳазрати Пайғамбаримиз даврларида ўлчов билан сотилган нарсалар, Аллоҳнинг элчисидан келган насс билан эмас балки одатларга биноан қайдли бўлган эди. Ҳанафийларнинг аксари эса, Ҳазрати Пайғамбаримизнинг одамлар одатини қабул қилишлари, худди очик насс билан баробардир, дейдилар. Бундан ташқари бу одат билан ўзгармайди. Насс бўлган жойда одатга эътибор қилинмайди. Бу ерда Абу Юсуф одатларнинг моҳияти билан боғлиқ ташаббускорлик қилиб, шаҳар одатларини бошқалари билан ҳисоблаган⁵.

Бу ерда “Одат билан тайин бўлган, насс билан тайин бўлган кабидир” қоида қўлланилган.

Бирор киши минг дирхамлик буғдойни салам асосида сотса, бу минг дирхамнинг беш юзи қарз, қолган беш юзи эса олдиндан тўланса, олдиндан берган беш юзи эвазига салам савдоси жоиз бўлади. Имом Зуфарга кўра, минг дирхамлик буғдойнинг барчасига салам савдоси сохта ҳисобланади. Бунга Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг, қарзни қарз эвазига сотишни ман қилганлари далилдир. Хатолик шартноманинг бир қисмида бўлиши, унинг бутунини бекор қилади. Бу ерда сотувчи тўлови амалга оширилган салам мулкни, қолганини қарзга бериш учун шарт қилиб олгандай бўлади. Бу хато шарт ҳисобланади.

⁵ Шамсу-л-аймма Сарахсий. Мабурут. Байрут. Дару-л-Китаби-л-Илмия. 2017. 12-жилд. 170-бет.

Ҳанафийларнинг кўпчилиги бу борада фикри Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.)нинг ривоятларига асосланган.

Бундан ташқари, ҳам қарз, ҳам маъно жиҳатидан пулнинг бир қисми бутуннинг кучига эгадир. Шартнома вақтида пулнинг бутуни берилса, бўлган савдога қарамай шартнома саҳиҳ ҳисобланади. Юқоридаги ҳолатда ҳам шартнома саҳиҳ ҳисобланади, Сабаби шартнома қолган қарзга асосланиб эмас, берилган пул миқдорига асосланиб тузилади. Харидор қарзга қарз берувчидан мулк олса, кейинчалик қарз берувчидан қарзини узса, шартнома саҳиҳ ҳисобланади. Саламдаги мулк шартнома вақтида топширилмагани учун фақатгина қарз бўлган беш юз дирхам эвазига бўлган буғдой фасод ҳисобланади. У ҳам бўлса кейинчалик келиб чиққан хатоликдир. Фақатгина камчиликли қисмига тегишлидир. Агар шартномадги мулкнинг ярми топширилишидан аввал йўқ бўлса ҳам ҳукм ўзгармайди.

Бу ерда Абу Ханифанинг тез-тез такрор этган “Шартноманинг бир қисми бузилса, бутуни бузилади” қоида қўлланилгандир.

Хулоса:

“Салам” савдоси ислом шариатида жоиздир. Ушбу савдо турининг мумкинлигига уламолар иттифоқ қилишган ва Куръони карим ва ҳадиси шарифдан далиллар ҳам келтирилган.

Фикҳда салам ва салаф сўзлари бир хил маънода қўлланилади. Бунда пул нақд бўлиб товар маълум муддатга қадар насия ҳисобланади.

Салам савдосида тортиладиган ёки ҳажмда ўлчанадиган каби аниқ товарлар билан савдо қилинади. Қай йўсинда тортиш имкони бўлмаса одамлар урфига мурожаат қилинади.

Салам савдоси учун берилган пул қарз ҳисобланади. Шунингдек, тайинланган пулнинг маълум бир қисмини бериш билан ҳам салам савдосини амалга ошириш мумкинлигини жумхур уламолар таъкидлашган.